



Бабек таянчи – Базз калъасининг кўлга олиниши

222-хижрий йил Рамазон ойининг 9-куни (837 йил 15 август) машхур аббосий саркарда, Византияга карши урушларнинг кахрамони Афшин ўз кўшини билан Базз калъасига, хуррабийлар мазхаби етакчиси Бабекнинг сўнгги таянчига киради. Бу мухим воқеа маздакийлик худосиз гоъларининг таркалишига чек қўйиш, мусулмонларнинг ўлдирилишини тўхтатиш ва бу окимнинг иттифокчиси бўлган Византияга зарба бериш имконини берди.

Бабек хуррабийлар томонидан тангрининг тимсоли деб тан олинган ва 816 йилда уларнинг жамоатини бошқара бошлаган пайтдан бошлаб у жиддий чоралар кўради: шартли белги бўйича Бабек тарафдорлари исёнчилар маркази бўлган Базз яқинида

барча араблар ва уларнинг тарафдорларини киличдан ўтказди. Шундан сўнг кўзголон кўшни вилоятларга таркалади. Тез орада бутун Озарбайжон хуррабийлар кўлига ўтади. Бу ердан кўзголон кўшни Эрон вилоятлари – Жабил ва Хуросонга ўтади. 820-йиллар бошларида Бабек арман кўшнилари билан бирга мусулмонларга қарши иттифок тузади. Масалан, у Сюник хукмдори Васак билан иттифок тузиб, барча арабларни қувиб чиқаришга ёрдам берган. Бабек ҳамма жойда бир хил сценарийга амал қиларди - барча кўлга олинган истехкомлар бузиб ташланиб, гарнизон ва мусулмон аҳоли уларга хайрихоҳ бўлган кишилар билан бирга вахшийларча қиргин қилинарди. Тарихий манбаларга кўра, 20 йил давомида Бабек тарафдорлари 200 мингдан ортиқ мусулмонни қириб ташлайди. Бабекка қарши кураш йўлида халифа Маъмун бешта харбий юриш ташкил қилади, лекин унинг кўмондонлари мағлуб бўлади. Бабек халифанинг кўшинлари билан тўғридан-тўғри жанг қилишдан қочиб, партизанча ҳаракатларни афзал кўрар эди. Бабек энг қудрат чўккисига чиққан пайт у нафакат бутун Озарбайжонни, балки Хуросоннинг бир қисмини ҳам назорат остига олади. Унинг тарафдорлари сони 300 минг кишига етади. Мусулмонларнинг Византия билан урушга ва Мисрдаги кўзголонга қалғиши (830-833) Бабекка ўз позицияларини мустаҳкамлаш в ички ишлар билан шугулланишга имкон беради. Замондошларининг солномаларда ёзишича, хуррабийлар ўз вақтларини шайтоний ўйин-кулгуларда ўтказган. Масалан, Абу-Музаффар Исфагани ёзишича: «Хар икки жинсдаги бабекийлар йилнинг бир кечасини мусика ва шароб билан хар хил ёмон ишларни бажариш учун ўша тоғда тўпланадилар. Кейин чирокларни ўчирадилар ва уларнинг хар бири аёллардан бирига ўтади». Бунда зиндан ташқари хуррабийлар қадимги зардуштийлар қаби яқин қариношлари билан ҳам никоҳ қуриш амалиётини кенг қўллаган.

833 йилда халифа Маъмун вафот этиб, укаси Мутасимни тахтга ворис қилиб қолдирди. Бабек исёнини қучайтириш мақсадида янги халифа Византия билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Хуррабийлар ҳаракатига чек қўйиш учун Мутасим кўшинни қайта ташкил қилиб, асосан турклардан иборат бўлган ёлланма кўшин тузади. Мутасимнинг Бабек устидан ғалаба қозонишида жиддий ҳаёт тарзига қўниқиб қолган ажойиб турк жангчилари катта рол ўйнадилар. Мутасим атрофидаги турклар билан пойтахтни Бағдоддан Самаррага қўчирган.

Ҳамадон жангида Бабек қашқарчи зарба ёйди ва мағлуб бўлади. Бабек кўшинининг катта қисми ҳалок бўлади, қолга қисми Византияга қочиб кетади ва у ерда насронийликни қабул қилади. Бабек ҳам қочади ва Баззга етиб қориб, янги кўшин тўплашга қиришади. Бироқ Ҳамадон яқинидаги мағлубият Бабекнинг обрусига путур етказди – қўлаб дехқонлар унинг «илохий» қелиб қикишига ишонмади ва уй-уйга таркалади.

Харбий кампанияни қўнлаш учун халифа Мутасим янги кўшин тўплашини эълон қилди ва кўмондонликни энг истеъдодли саркардалардан бири Хайдар ибн Кавус ал-Афшинга топширди. У Византия билан урушда машҳур бўлган халифанинг энг қайратли саркардаларидан бири эди. Бошиданок янги кўмондон Бабекнинг партизан ҳаракатига қарши тўғри тактика танлади – Базз атрофидаги сиртмоқни аста-секинлик қориб қорди.

836 йилнинг баҳорида Афшин Озарбайжонга қадам қўйди. Афшиннинг Бабек билан биринчи жанги Ардабил шаҳрига яқин жойда бўлиб ўтди. Бабек қор-қор қилинди ва қочди. Кейинги икки йил давомида Афшин Бабек билан жанг қилишни қавом эттирди. У урушда қатъият қўрсатди ва Бабекни ал-Баззга қикиб қиқаришга қиришди.

Юриш кийин бўлган тоғ сўмоклари бўйлаб ҳаракатланар экан, Афшин Баззга олиб борадиган дарага чикди. Бабек очик майдонда жанг килишга журъат килолмади. Забт этиб бўлмайдиган калъага муваффакиятли юриш килиш имкониятига ишончи комил бўлмаган Афшин қандай килиб бўлса ҳам Бабекни калъадан алдаб чиқариш умидида кутишга мажбур бўлади.

Киш охирига келиб, Мутасим тўккиз минг турк жангчисини Афшинга ёрдам бериш учун жўнатади. Худосизлар бошлиги Византия императори Феофилдан ёрдам сўрайди. Феофил мактубни олгач, халифаликка қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлади, қатор шаҳарларда, жумладан Запетрада мусулмонларни киргин қилди. Бирок Мутасим Византия билан урушдаги вақтинчалик муваффакиятсизликларга қарамай, Озарбайжондан бирорта ҳам аскарни чақирмасдан, Афшиннинг ўзига юклатилган вазифани бажаришини талаб қилди.

Афшиннинг қўшини калъага ҳужум бошлайди. Вақтдан ютиш мақсадида Бабек халифанинг ўзидан ҳавфсизлик ёзма қафолатлар талаб қилди. Мусулмон аскарларининг ҳаётини сақлаб қолишни истаган Афшин бунга рози бўлди ва халифалик пойтахтига элчилар юборди. Бабек урушга қучи қолмаганини қўргач, шаҳарини тарк этиб, 20 киши билан қочиб кетди. У ўз иттифокчиси - Византия ҳудудида паноҳ топиш ниятида таниб қолмасликлари учун қийимини ўзгартириб олиб, Қазаж шаҳрига этиб борди.

Бабекнинг қочганидан хабар топган Афшин 222-ҳижрий йил рамазон ойининг 9-санасида Базз қалъасига қирди ва уни бутунлай вайрон қилишга буюрди. Қалъада 20 йиллик қўзғолон даврида Бабек томонидан талон-тарож қилинган сон-саноксиз бойликлар топилди.

Бирок, Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Бабек Константинополга этиб бора олмади. Арман шахзодаси Саҳл Смбамян билан Арцахда қолган Бабек амалда Афшинга топширилди: у Саҳл уюштирган ов пайтида Афшин томонидан юборилган отряд томонидан қўлга олинди. Афшин Бабек билан бирга Мутасим ҳузурига борди, у эса Бабекни тўртга бўлиб қатл қилишга буюрди. Халифаликнинг ички қучларини қорасон қаби ичдан емираётган бу нотинчликка чек қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Бирок, афсуски, Озарбайжонда айримлар ханузгача Бабекни миллий қаҳрамон – озарбайжонларнинг миллий мустақиллиги учун қурашчи деб ҳисоблайди, ваҳоланки, бу худосиз на этник жихатдан (у форслардан бўлган), на диний жихатдан (зардуштий-маздакий бўлган) озарбайжонларга умуман алоқадор бўлмаган. Бир худосиз образининг Озарбайжон халқи онига бошқа атеистлар томонидан тизимли равишда сингдирилганига ажабланмаса ҳам бўлади: Совет армияси томонидан Эрон Озарбайжони босиб олинганидан қўп ўтмай, Улуғ Ватан уруши даврида коммунистлар Бабек атрофида қаҳрамонлик ореоли шакллантиришга қиришдилар. Коммунистик тарғибот урушдан кейинги даврда ҳам миллий мустақиллик учун қурашчи сифатида Бабек образидан зўр бериб фойдаланди: ўн йилликлар давомида юз минглаб мусулмонлар қотили ҳақида қитоблар ёзилди, ҳақалар қўйилди, у ҳақида кинофильмлар олинди, туман марказлари ва шаҳар қўчалари унинг номи билан аталди. Шуниси эътиборлики, Бабекнинг исломга қарши фаолияти нафакат коммунистлар орасида, балки рафидийлар томонидан ҳам эътироф этилган. Хусусан, форс тарихчиси

С.Нафисий «Озарбайжон кахрамони - Бабек Хоррамдин» китобида Бабекни «Эрон заминининг энг буюк шахсларидан бири» ва «унинг бокийлигини таъминлаган Эрон миллий кахрамонларидан бири» деб атаган. Изохга хожат йўк.

Абу Муслим таржимаси